



# АМИР ТЕМУР — ФАХРИМИЗ, ФУРУРИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

бўлган. Жамият озодлик ва таракқиётга бўлган манфаатларини ўзида мужассам этган халоскорга, етакчига мушук эди.

Тақдир тақдоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва етакчи сифатида майдонга чиқди.

**Иккинчи хулоса** аслида биринчи фикрнинг мантқиқий давомидир. Кимки Амир Темур қадимий Туркистон заминида тасодифан пайдо бўлган деса, қандайдир. Нега деганда хен нараса тўсатдан пайдо бўлмади. Ҳамма нарсанинг ўз қонунчиси бор.

Ал-Хоразмий, Улугбек, Беруний, Навоий, Бобур ва бошқа ул-абзал доҳоларимиз ҳам тўсатдан, яъни бир жойда пайдо бўлган йўқ. Улар мана шу заминда юзага келган муҳитнинг ҳосили сифатида пайдо бўлган.

Маълумки, ҳосил пайдо бўлиши учун заминни озқилантириш керак. Тўпқончи ўрғилар, парвариш қилиб, шундан сўнггина дархат экиш керак.

Яъни, мен билан демократиканки, бу замин — қадимий Турон ва Туркистон заминини аздалан маънавий озқиланган, маданий қатламга эга бўлган. Узбек давлатчилигининг тарихий асослари қарор топганига Амир Темур замонасида икки минг йилдан ошган эди.

Яна таъкидлаб айтман: юртимизга Амир Темур бош бўлган йилларда сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар бум-бўш, хувилган жойда юзага келмаган. Балки шу мақолада қадимдан ривожланиб, шаклланиб келган тарихий-маданий аъёнлар асосида қарор топган.

Янада аниқроқ айтсак, Амир Темур ўзбек халқининг кўп миқдорда йиллик тарихий равандада тасодифий шахс, умуман Темурийдлар давридаги юксалиш эса шунчаки беҳосодан юз бериб қолган ҳодиса эмас! У бир неча миқдор йиллик тарихий таърих, буюк аъёна, тон маънода шаклланиган маданий-маънавий жараён маҳсулидир!

**Учинчи мулоҳаза** ҳам билдирилган биринчи ва иккинчи хулоса билан узлуксиз боғланган. Жаҳон маданий ва маънавий жамоатчилиги ўрта асрларда Амир Темур тузган давлат ва унинг бундан дунё эътиборини ўзига жалб қилган оламшумул фаолияти, умумбаъшарият таънасидаги кўшма хисоси билан танишар экан, уни ўстирган юрта ва мана шу худудда ундан кўп аср олдин унга буюк алломуларнинг иқодий меросини, уларнинг табаруқ номларини ҳам яна бир бор қаъри эътиши ва кенг миқёсда ўрганишга замин ва шароит тўғилди.

Шу маънода IX асрдаёқ европалликлар кейинчалик «Алгебра» деб аталган фанга асос солган буюк Ватандошимиз Ал-Хоразмийнинг; Христофор Колумбдан қарийб беш аср олдин океан ортда қуруқлик, яъни кейинчалик Америка деб ном олган қитъа борлигини, башорат қилиб, илмий асослаб берган қумсий билим соҳибни Абу Райхон Берунийнинг;

«Тиб қонунлари» номи машҳур асарининг ўзбек лотин тилида 30 мартадан зиёд нашр этилиб, ўрта асрларда бутун дунё, шу жумладан Европа тиббиёт институтларида қўллана сифатида ўқитилган улуг аждошимиз Ибн Сино каби кўплаб алломуларнинг номлари ва илмий ишлари билан дунё аҳли айнан Амир Темур замонида қайтадан ва чуқурроқ танишган, деб айтсак, менимча, мулоҳаза бўлмайдир.

Қисқача айтганда, Амир Темурдек мислсиз ёрқин шахс тарих сахнасида пайдо бўлиб, ўзини тарбиялаган, ўзига ҳаётбахш маънавий озуқа берган, уни буюк ишларга чорлаган эл-юртининг номига ва маданиятига жаҳон миқёсда қатъи қизиқиш уйғотганини яна бир бор таъкидлаб ўтқочман.

**Тўртинчи фикр.** Биз Амир Темур тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз ва тадқиқ қилишимиз керак. Бугунги анжуман ана шу йўлдаги муҳим қадамдир. Сир эмаски, коммунистик мафкура ҳуқуқдор бўлган совет жамиятида тарих фани ҳам улуг давлатчилик, улуг миллатчилик қўлланганини қўриб бўлмаган эди. Шу сабабли бу даврда совиқ совет иттифоқи худудиде яратилган тарихий асарларда Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан бир эклама баҳо берилди. Бу гоё ер юзининг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан худудда яшаган икки ўз эллик миллион халқга зурият синдирилди. Ана шундай нотўғри ва айрилиқли қарашларда танқидий баҳо бериб, Амир Темурга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш бугунги темиршуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

**Бешинчи фикр.** Минг афсуски, биз бошимиздан ўтказган мустақил тузум туфайли шундай бир аҳолига тулган қолган эдикки, улуг аждодимизнинг тарихи ва фаолиятини, башарият ривожига қўшган ҳисосини бугунги кунда хорликда — АКШ, Германия, Франция, Буюк Британияда, Хиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда бизнинг ўзимиздан кўра кўпроқ билишадилар. Билар — яъни Амир Темурнинг Ватани бўлмиш шу заминда ўсган одамлар унинг фаолиятини жуда ос билмайдилар. Айтгинлар, азиз дўстлар, бундан ҳам ортироқ адолатсизлик, ноинсофлик бўлиши мумкинми?!

Бу ҳолат бизнинг мустақилда зулмида тарихимизнинг исботи, бизни буюк тарихимиздан бутунлай жудо қилишга бўлган интилишларнинг оқибати эмасми?

Бугун дунёнинг қарийб 60 мамлакатда темиршунос олимлар фаолият кўрсатмоқда. Темур ва Темурийдлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда.

Дунё илмий жамоатчилигининг Амир Темур шахсига бўлган юксак эътиборини ҳисобга олиб, ЮНЕСКО ташкилотининг бугунги мўътабар санга бевосита ҳомийлик қилётгани ҳам, бизнинг фикримизча, гоёт адолатли бир иш бўлди.

Утган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар сонига Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқини ташкил этади.

Буюк бобомизга бўлган бу қадар юксак эътибор ва эҳтиромининг учун мен мана шу минбардан туриб сизларга ва сизлар орқали Амир Темурга иззат-икром қўрсатган барча инсонларга, сизлардан олдин йиллар давомида, асрлар мобайнида бизнинг улуг аждодимизнинг меросини ҳолисона ўрганиш ва унинг ноини абадийлаштиришга фидойий олимларга, илмий даргоҳларга яна бир буюк ташаккур билдираман.

Бу олижаноб ишга хорликдаги тарихчилар ҳим қим даъват этган эмас. Бу ишлар улур учун қатъа бойлик ва нуфуз орттириш манбаи ҳам бўлмаган. Аммо бу олимларнинг илмий виждони, керак бўлса, инсоний виждони шунга тақозо қилган. Биз бундай одамларга, мана шу залда ўтирган узок ва яқин қўшн и давлатларнинг вақиларига ҳар қанча тасаннодан айтсак арозийди.

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз шундан иборатки, асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб йирик илмий марказларда ҳақиқатқўй олимлар томонидан яратилган тадқиқотларни чуқур ўрганишимиз, сизларнинг китобларининг таржима қилишимиз, халқимизга, келгуси авлодимизга тарихий ҳолис ва ҳаққоний ўргатувчи дарсликлар сифатида, бизнинг фахру ифтихоримиз сифатида тақдим қилишимиз керак.

Ишончим қомилки, сизлар ва сизлардан олдин ўтган темиршунос дўстларимизнинг илмий жасорати, машаққатли меҳнати буғиз биз учун энг қатъа бойликдир.

Мухтарам конференция иштирокчилари!

**Яна бир муҳим масалага** тўхталиб ўтқочман.

Давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик бора-бордаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам қатъа аҳамият касоб этади.

Амир Темур ўз давлатини фақат қўша суниб бошқаргани йўқ. Афсуски, баъзи манбалар ва тадқиқотларда шундай фикрлар баён қилинади. Шахсан мен бу нуқтага назарга қаршиман. Агар бу давлат фақатгина қўша таянган ҳолда тузилган бўлса эди, авваламбор, бунчалик узок давр туролмасди.

Амир Темур ўз давлатини ақлзаковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган, десак, адолатдан бўлади.

Унинг «Давлат ишларининг тўққиз улущини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улущини қилиб бўлса амалга оширдим», деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

**Иккинчидан,** Амир Темур бундан 600 йил аввалроқ хен қандай давлатнинг қўшилари билан ўзаро алоқа тузмасдан, яъни, бугунги тил билан айтганда, ҳаққонийлик ва ҳаққонийлик билан ишларни ва яқини англаган. Шу сабабли, у Европада ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган.

Бир томондан — Италия, Хиндистон, бир томондан — Франция ва Англия, яна бир томондан — Рум, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустақамлашга уринган.

Амир Темур фаолиятидаги биз учун ибратли нуқталардан яна бири шундаки, у савдо-иқтисод муносабатлари орқали халқлар, мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан олжамиз йўқ.

Амир Темур Испания қироли Генрих III, Франция ҳукмдори Карл VI, Англия қироли Генрих IV, саройларида эълчилар юбориб, муносоиб равишда испаниялик, франциялик, англиялик, хитойлик ва бошқа қатор хоржий эълчиларни ўз салтанатига қабул қилган.

Сохибқироннинг Франция қироли Карл VIга ёзган хатидеги қуйидаги фикри давлатга сазовордир: «Сиз ўз савдогарларингизни менин салтанатингизга юборинг. Биз улари илм қарши олиб иззат-икром қўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларингизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга хурият қўрсатинг, уларга ортиқча таъйиқлар қилишингизга йўл қўйманг. Сизга бундан булак талабим йўқ. Зеро дунё савдо аҳли ила олоб бўлмай». Каранг, қандай оддий ва аниқ фикр: дунё савдо аҳли ила олоб бўлмай! Демак, Амир Темур ташарқи савдо алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани, авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бош гоё бўлиб хизмат қилган.

XII аср бўсағасида сиз билан биз халқроқ миқёсда адолатли тарзда яратмоқчи бўлган интеграция макони ҳақида Амир Темур бундан 600 йил бурун бош қотирган ва шу йўлда сиёсат юритган. У барпо этган ягона иқтисодий-савдо майдонда бугунги кун учун ҳам, бугунги замон учун ҳам ибратли бўлган вазият мавжуд эди. Амир Темурнинг мана бу сўзлари бунга далилдир: «...Салтанатининг у четидан бу четига бирор болақай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-иқтисод ўрнатдим».

Учинчидан, сохибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари ундан ҳам беқийёс. Амир Темур ва унинг авлодлари савдо-иқтисод билан қилган маддрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, кўприклар, йўللар, бекатлар, ҳаммомлар, каналлар, қалъалар ва бошқа қатор иморату иншоотларнинг сон-саноси йўқ.

Амир Темурнинг бевосита раҳзалолтида бунёд этилган Бибиқур жоме масжиди, Гури Амр ва Ахмад Яссавий, Занги ота мажаралари, Оксарой ва Шохи Зиндадаги меъморий мўъжизалар, Боғи Чинор, Боғи Дилқуш, Боғи Беҳишт, Боғи Биланд сингари ўнлаб гузал сарой-боғлар ва бошқа иншоотлар шарҳ жумласига кириди. Бу обидлар, ҳеч шубҳасиз, инсон тарфақули ва ақл-заковатининг буюк тимсоларидир.

Тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур «Обдончиликка ярайдиган бирор қарч ерининг ҳам зоё бўлишини раво қўрмади».

Тарих бу қўша дунёда Улган кўп жаҳонгирларни билди. Уларнинг ақсариёти фақат бузган. Амир Темурнинг уллардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган.

Унинг «Қай бир жойдан бир гишт олсам, ўрнига ўн гишт қўйдирдим, бир дархат кестирсам, ўрнига ўн та қўш экирдим», деган сўзлари фикримизнинг далилидир.

Энг муҳими, маъзур қўришлар географияси биргина Туркистон билан чегараланиб қолган эмас. Бунинг иккинчи сифатида сохибқирон қадими етган жойлардаги тарихий обидларини эслашнинг ўзи киёф.

Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шахар ва қишлоқларида, хатто Жанубий Озарбойжон ва Кобул каби узок ерларда ҳам ободкорлик ишларини олиб борган.

аср бўлди. Шу вақт ичиде бу маскан тарихнинг турли бурчқларидан келган минглаб-миллионлаб зиёратчиларни маънавий жиҳатдан барилштириб, эзгуликка давлат этиб келмоқда.

«Агар бизнинг қудратимизни билорқим бўлсангиз, қурган билорқимизга боқинг», деганда Амир Темур энг аввало ўз халқига, келажак авлодларига мурожаат қилган, десак янглишмаган бўламиз.

Тўртинчидан, ҳар қандай жамият таракқиётини илм-маърифатсиз тасавуф қилиб бўлмайди. Буни теран англаган сохибқирон ҳоқимият келиши билан қиқарган да-стлабқи фармонларини мадрасалар барпо этиш, илм толибларига нафақалар тайинлаш билан боғлаган. Қайси бир шаҳарга ташриф буюрсани Амир Темур энг аввало ўша ерлик олимлар билан учрашар, улар билан суҳбат қураш, турли мавзуларда бахslashар эди.

Тарих, тиббиёт, математика, астрономия, меъморийлик соҳаларида юксак салоҳиятга эга Амир Темур учун бу таъбиий ҳол эди. Маъзур фақилат сохибқироннинг авлодлари — айниқса, Мирзо Улугбекка ўтгани шубҳасиз — Мирзо Улугбекнинг давлат ароби бўлиш баҳаси бир қаторда буюк олим давлатчилик етишишда бобоси Амир Темурнинг таъсири бениҳоят қатъа бўлган. У Улугбекдаги ноёб истеъодни бошданок пайкаб, сафарларда ҳам ёнида олиб юриб, дунёнинг машҳур олимлари тарбиясидан баҳраманд этган.

Бешинчидан, Амир Темур ўз миллати ва эл-юртининг тақдирини ҳақида кўп ўйлаган. У қўйган ҳар бир қадам нафақат ўша давр учун, балки келажак сари хизмат қилган.

Тарихда ҳукмдорлар кўп ўтган. Уларнинг ақсариёти ўз машинати ва айшу ишратидан нарига ўтмаганлиги маълум. Уларни бугун биров эсламайди ҳам. Бироқ миллат давомида ёнган, унинг истиқбол ва истиқлоли йўлида фидокорлик қўрсатиб яшаган арбобини келажак ва тарих хен қачон унутмайди. Амир Темур ана шундай тарихий ва унутилмас шахосдир.

Унинг инсоний фақилатлари бир ёрқин мисол: 1404 йилда Бибиқур жоме масжиди қурилишининг ниҳонисига етказиб қаданганда унинг умридан бир йил қолган эди, ҳоло.

Кексаялик қолган бир одамга, ўзи аввал барпо этган ўнлаб ва юзлаб иншоотларни ўннга яна бир бинони қўшиш шарт эдимки? Унинг шону шухрати шунис ҳам етарли эди-ку?

Бу мисол ҳам Амир Темурнинг доимо узок келажани, авлодлари иқболини ўйлаб яшаганидан, умр бўйи улугвор режалар ва гоёлар уни асло тарк этмаганидан далолат беради.

Олтинчидан, Амир Темур бир ҳақиқатни яқин англаган — жамият эҳтиқодсиз яшай олмади. Одамларга дин керак, иймон керак, ишонч керак. У ўз «Тузуқлари»да шундай дейди: «Хар ерда ва хар вақт Ислому динини қувватладим».

Амир Темурнинг Курьони Карими ёд билгани, диний бахslashарда йирик уламолар билан баробар сўз юритгани унинг маънавияти, иймону диёнати қанчалар пок ва муқаммал эканини билдиради.

Маълумки, диний таълимот ва тарбиянинг жамият ҳаётидаги ўрни ва хизмати ниҳоятда қатъа.

Амир Темурнинг Ислому динига бўлган муносабатидеги энг муҳим қирра, бу — мусулмончилик ақидаларининг жамият оқоийшталлиги, раванки, иқтисодий адолат, иймон бутунлиги, маънавий поклик учун хизмат қилдиришга сафарбар этилишидир.

Унинг эътиқодига қўра, давлат давлатчилиги, дин эса динлигини қилиши керак. Бу гоё бугунги замонда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас. Худди шу туфайли ҳам Амир Темур даврида Ислому дини раванқ тоғди, юксалди.

Шу билан бирга халқ дунёқараши, тафаккур тарзи ҳам анча ривожланди. Аҳоли ва давлат ўртасидаги муносабатлар ўзига ҳок тарзда мутаносиб тус олди.

Буюк жаҳонгир Амир Темур сохибқирон ўлими олдиндан авлодларига шундай васият қилган: «... Мен ундан таскин топаманки, подшоҳлик давримда кучлиларнинг охирига озор беришларига йўл қўймадим. Халқлар оқоийшталлиги борасида қарам фуқаролардан хабардор бўлиб туришлар, қатъиятли ва мардонлар бўлишлар. Улкан давлатни мендай узок, йиллар давомида бошқариш учун қўлларинидаги шамширнинг шараф ва номус билан маҳкам тутинглар...»

Агар, сизлар менинг васиятларимга амал қилсаларингиз ва бошқа ишларингизда адолатга, шавқатга қўра иш тутсаларингиз, тинчлик-осудлик Турон заминиде озок вақт сақланади.

Агарда ўзаро низоларга йўл қўйсаларингиз, душманлар тўполон ва тартибсизликларни бошлайдиларки, улари жиловлашининг илоҳи қолмайди. Сизлар бир ҳок, бир тан бўлсаларингиз, ҳеч ким менинг сўнги васиятларимни бажариларингизга монелик қила олмайдилар.

«... Биринчидан, биз ўз миллатимиз ўз халқимиз ҳуқуқларига, ўз миллий қадриятларимизга асосланб;

— иккинчидан, тараққий топган давлатларнинг таърихларида ва умумбаъшарий ақидаларга таяниб мустақил давлатимизни қурмоқдамиз ва шу асосда жаҳон ҳамжамиятидан ўз муносиб ўрнимизни эгаллаб олмақчимиз.

Ҳулоса шунки, бизнинг тарихий ҳиссию ҳаётини Амир Темурдай улуг олимга бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўнлаган бугунги ҳаётимизга ҳақиқатан экан, олимизда турган бугунги муаммоларини ечишда бизга қўл келатган экан, бизнинг бу меросни ўрганишдан, таърифиладан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам мана шу минбардан туриб, бутун Ўзбекистон халқига, қолловлар, бутун жаҳон аҳлига қарата: «Амир Темур бизнинг фахримиз, ифтихоримиз, гуруримиз!» деб айтсам, ўйлайманки, хато қилмаган бўлам.

Хонимлар ва жаноблар! Замонамизнинг қўпгина долзарб муаммоларини инсониятнинг ўтмишидаги таърихисини чуқурроқ тушушини тақозо этади. Худди шу нарсани бугунги конференцияимизнинг муҳим вазифа ва максалларидан бири деб билмоқ керак.

Хен бир мулоҳазасиз айтиш мумкинки, ўзбек халқининг кўп асрли тарихи ҳам ана шундай таърихга манбаидир. Ишончим қомилки, сизнинг маъруза ва ахборотларингиз, конференция давомида бўлажак баҳс ва мунозаралар Амир Темур ва Темурийдлар даври сабабларини чуқурроқ англаб етишга, бугунги кун олимизда қўйилган долзарб саволларга жаъоб излашга салмоқли ҳисса қўшади.

Конференция ишига муваффақият, барчангизга саломатлик ва бахту савдоат тилайман. Эътиборингиз учун ташаккур.

## Ҳосил - 96

**ХИРМОНГА БАРАКА**  
Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шун йилнинг 25 октябрга қадар бўлган

### МАЪЛУМОТ

(Фоиҳ ҳисобиде)

Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан бўён

Оққўрғон	1,49	82,72
Ўртачирчиқ	1,94	82,20
Бўжа	1,71	79,26
Юқоричирчиқ	2,13	78,36
Кўнчирчиқ	1,52	74,88
Чиноз	1,66	74,06
Янгийўл	1,44	70,66
Бяқобод	2,00	65,39
Пискент	1,44	60,52

Вилоят бўйича 1,71 74,67

● 1995 йилда бўлган эди 1,08 91,86

## ОҚҚЎРҒОНДА БИРИНЧИ

ОХУНБОБОВЕВ номи

деҳқон фермер хўжалиқлари уюшмаси 514 гектар майдонининг хар гектаридан 27 центнердан ҳосил топишиб, туманда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарди. Хўжалик давлатга 1352 тонна юқори сифатли ҳосил етказиб берди. Эрақбой Боймоқов, Хасан Эрашев, Бақир Аном бошлиқ бригадалар салмоқли қисса қўйишлар. Ҳажаликда ҳосилнинг асосий қисми қўлда териб олинди. Абдолат Эрашев, Моҳира Уларова, Муҳаббат Абдулова, Саловар Сайқонова каби теримчилар 4 — 6 тоннадан «оқ олтин» териб топишди.

Хўжалик аъзолари ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказишга аҳд қилишлар

Муборак МИРКОМЛОВА.

# Тезкор матбуот гуруҳи хабар беради

## МЕҲНАТ ҚУВОНЧИ

(ЛАВҲА)

БРИГАДА энди маррага етман, деб турганида ҳавонинг азойи бузилиб, ёмғир савалай бошлагани ишининг белгиси тилиди. Шодобий ёмғирдан буюкан пайкалларга тикиларкан, юраги эзилди кетди. Ахир озманча меҳнат қилишди шунча ҳосил тўплагунча. Энди эрта-индин режани бажариб, юзимини ёрўқ қиламан, деб турганида иш чапасига кетиб турса...

— Ҳа, қўшини, намунча ҳаёлга ботмасангиз, боятдан бери қараиман, даладан қўзингизни узайсиза. — ён бригаданинг раҳбари Уткир Эрматов Шодобийнинг ҳаёлини бузди.

— Э, кўрмайсизми, ҳавони, энди оғиз ошга етай деганда... Уч-тўрт кун сабр қилиб турса, бўлмайди, бу сабил қолғур ёмғир.

— Куз қўзалигини қилди-да, жўра. Ахир, об-хаво деган бирда ундок, яқиниси ёр селгиши билан одамларни пахтага солайлик. — Уткир шундай деди-да, макссада кўчди. — Трактор сўраб келгандим, икита тиркама тўхта пахтама туриб қолди. Вақти-соатида жўнатмасам бўлмайди. Бизнинг трактор эса қатъа йўлга чиқаришда бузилди.

— Ҳўп, тракторчи пунктга пахта олиб кетганди, келисин, сизларга жўнатаман.

Шодобий Юсуповнинг бригадаси мавсум бошидан бери «Ужакент» жамоа хўжалигида пахта тайёрлашда ёлғорлини қўлда бермай келаяпти. 61 гектар майдондан 170 тонна ҳосил топишрини зиммасига олган. Даст-қилиб пайларда кунига 2,5—3 фоздан ҳосил тайёрланаётган эди. Яқиндан бери эса беш-олти фозга чиқиб олди. Хатто, беш неча йилдан бери улар билан беллашиб келатган, ҳўжалигини олди бригадаларидан бири саналган Уткир Эрматов жаноси ҳам Шодобийнинг ютуғига тин бераяпти. Бўлмаса, улар ҳам 60 гектар майдондан деҳқончилик қилиб, қамиде 28 центнердан ҳосил ундириб қўйишган, ҳар қанча зўр беришмиш булардан ўзиб кетишолмаляпти.

«Бир ҳисобда терилган пахтанинг ҳар килосига икки сўйдан ҳақ тўлана-

диган қилиб яқин бўлди, — ўйлади Шодобий. — Қишлоқда кексалардан булак ҳамма этди тақиб далага чиқди. Хар беш кунда ҳарак-ҳарак пул берилаяпти. Одамлар 800—900 сўмдан, илгорлар эса 1200—1500 сўмдан ҳақ оли



# АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИГА СОҲИБҚИРОННИНГ ЗЕБО ВА ДИЛКУШО БОҒЛАРИ

• УЛУФ БОБОМИЗ АМИР ТЕМУР ҲАМИША ТАЪКИД ҚИЛАДИ:

— Хон бўлсанг-да, боғ ярат, гадо бўлсанг-да, боғ ярат — бир кунмас бир кун мевасини татирсан...

Буюк соҳибқироннинг ўзи бу сўзларига тўла амал қилган эди.

Амир Темурнинг фармоиши билан кўҳна Самарқанд шаҳри ва унинг атрофида 14 та боғ бунёд этилган. Боғи Шамол, Боғи Баланд, Боғи Чинор, Боғи Дилкуш, Боғи Нақши Жаҳон каби сўлим гушлар шуллар жумласидандир.

Мазкур боғларда сарв, чинор, терак, тол, қайрағоч, сада сингари маҳаллий ўсимликлар билан бир қаторда чет эллардан ҳамда Ўрта Осиёнинг турли жойларидан келтирилган манзарали дарахт ва гулларни кўриш мумкин эди. Гулзорларда лола, гулсафсар, бинафша ва бошқа хилма-хил гуллар ҳам ўстирилган.

• ТҮРТИНЧИ аср охирида Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат қилган Испания элчиси Рюн Гонзалес де Клавиго ўз эсдаликларида Амир Темур даврида Самарқанд, Бухоро, Хива ва ўлканинг бошқа шаҳарлари боғ-роғлар билан бурканганлигидан хабар берган.

• АМИР ТЕМУР даврида барпо этилган ўша боғлар ўрнида ҳозир обод қишлоқлар бунёд қилинган. Самарқанд атрофидаги Боғи Шамол, Боғи Майдон, Боғи Баланд каби жой номлари ўша боғлар номидан қолган.

• УЛУҒБЕК Расадхонаси Самарқанд шимолидаги тепаликлар этагида жойлашган. Қадим замонларда бу тепаликларни Кўҳак деб аташган. Бу ном «Кичик то» маъносини билдиради.

Қадимий битикларнинг гувоҳлик беришича, Кўҳак тепаликларида бир пайтлар дарахтлар ва булоқлар кўп бўлган. Амир Темур ва Мирзо Улуғбек асос солган кўп боғлар ҳам кўҳак этақларида жойлашган.

• РИВОЯТ қилишларича, соҳибқироннинг кенжа ўғли, Улуғбекнинг отаси Шохруҳ Мирзо падарибузрукворига эргашиб, бир боғ барпо қилибди. Боғ биттач, ота билан ўғилнинг шарафига боғда мажлис тузиб, зиёфат берилибди. Зиёфатдан сўнг Шохруҳ Мирзо Амир Темурдан:

— Падари бузруквор, менинг бу боғим ҳақида нима дейсиз. Сизга маъқул бўлди-ми? — деб сўрабди. Соҳибқирон бундай жавоб берибди:

— Боғинг жуда ҳам зебо ва дилкушо боғ бўлибди. Аммо давлати, бойлиги бор ҳар бир киши бундай боғни барпо эта олади. Лекин, дунёда шундай беназир икки боғ мавжуддирим, уларнинг бирини бунёд этишга мен ҳам, сен ҳам мудом интилишимиз керак. Аммо, иккинчисини бунёд этишга ёлғиз Улуғбек Мирзогина муяссар бўлажақдир. Бу боғнинг номи илму-маърифат боғидир, тафаккур боғидир.

Ақбар АЛИЕВ тайёрлади.



БИР зумгина муаллиманинг нигоҳига эътибор беринг. Унинг қиёфасида 32 йиллик ҳам шарафли, ҳам машаққатли хизматнинг излари мўжассам. Синфга биринчи бор қадам боғсан болажонлар саводини чикариш учун озмунча билим, куч сарфланган дейсизми. Чиноз туманидаги 24-ўрта мактабни битириб, ҳаётдан ўз ўрнини топган ўқувчи шогирдларнинг Инобат Мадаминовани кўрган да кўллари кўксиларида бўлиши ва таъзим бажо келтиришларининг боиси шу. Суратда: Инобат Мадаминова. Абдужалол РАҲИМОВ олган сурат.

# ҚАЛЬЛАРГА НУР СОЧИБ

...ҲАЁТ ҳақида, яшаш, яратиш ҳақида тўлиб-тошиб сўзлайдиган навқирон қалб, орзулари кўксиде лиммо-лим инсоннинг ҳаётдан кўз юмганига ҳеч шонингиз келмайди. Лекин, ҳаёт ҳаёт экан-да... Инсон ўтғувчи, у ҳақида яхши хотиралар эса абадий.

Кечагина эди телефон гўшагини кўтариб салом-алиқдан сўнг:

— Қалайсиз, опа?! — дейишим билан:

— ...Шу, қалаймиз-да, олтин бўломай доғдамиз-да, жоним... деганди ҳазил-мутоба билан. Опанинг тоби қочиб, тўшакда ётган пайтлари йўқлаб кирсангиз дарров чеҳралари ёришиб сихат-саломатликларига даҳадор масалаларга кўп ҳам ургу бермай, дунёвий ишлар билан қизиқиб қолардилар:

— Оламда нима гаплар?

Бу, нималар ўқидингиз, «Шарқ Юлдузи» журналининг янги сонини варақладингизми, «Адабиёт ва санъат» рўнома-си ўтган ҳафта нега чиққан-чиқмагани, фалончининг юбилейига боролмагани, борган бўлсалар у ҳақида таассуротлари, янги ўқиган ёки таржима қилётган асарлари ҳақида тўққилиниб гапирардилар...

Баян шундай пайтлар бўлардики, бола-чака, уй-рўзгор ишлари, хизмат билан банд бўлиб, ойлар давомида опани йўқлай олмайдик.

— Мени соғинмангизми? — Мени сизни соғиндим... — опанинг дилкаш овози келарди телефондан.

Мен ерга киргудек бўлиб уялиб кетардим. Биринчи бўлиб уларга кўнгирак қилмаганимдан ҳижолат чекардим. Опамиз эса гина-қудратни билмасдилар. Одамга малол келмайдиган қилиб гапирардилар.

— Сизлардан бошқа кимим бор?! Мени унутманглар... — дея жайр-ўшашлар эдилар.

Байрамлар, Ҳайит-арафаларда биз, Кибрийе опанинг мухлислари бир-биримиз билан кўнгиракчилик, Юнус Ражабий кўчасидаги Абдулла Қаҳҳор уй-музейига — опа хузурига отланар эдик. Опамиз ҳамма вақт чиройли кийинган, табассуми ёлғиз бизни кўтиб олардилар. У кишининг бир сифати ҳақида алоҳида гапиргим келарди. Улар меҳмонни жуда-жуда илтифот билан кутар эдилар. Дастурхон тўзатишда, чиройли таомлар тайёрлашда опанинг олдига тушадигани кам...

Сўбатимиз бўлган турмуш мавзуларига улардан кетарди. Биз бола-чақаларимиз ҳаётига доир муаммолардан сўзласак, опа бизни газалхонликка

тортардилар. Абдулла Қаҳҳор ёқтирган термалардан намуналар ўқирдилар.

Эй ёр, ба умри рафта мони Тарсам ки набинамод дигар бор.

Писта чаққандай тезгина мазмунини ҳам айтардилар:

Эй ёр, сен ўтиб кетган умрга ўхшайсан,

Шунинг учун ҳам иккинчи мартаба кўрмай

қолмайин, деб кўрқаман...

Агар як харф бо ағеру бо ман сад сухан гўяд

Наёрам тоб он як харф ҳам ҳоҳам ба ман гўяд.

Хотира

Мазмуни:

Агар ёрим менга бир оғиз гапириб, бошқага бир оғиз сўзласа ҳам чидай олмаيمان.

Истайманки, ўша бир оғиз сўзини ҳам ўзимга айтсин...

Шеърятга бўлган бунчалар мафтункорлик балки адибанинг умр йўлдошига бўлган меҳр-мухаббат билан боғлиқдир. Наники, уларнинг биринчи учрашу-ларига газал кўприк бўлган. Газалхонлик сабаб узаро сўбат-нинг қулф-дили очилганлиги ҳақида кўп бор сўзланган эдилар.

Қаҳҳор ижод қилган ёки дам олаётган пайтларида мен классик китобларни титқилаб, ўзимга ёққан ва албатта Қаҳҳор дидага мос газаллари кўчириб, ёд олардим, дегандилар. Ҳофизни Саъдийнинг ўзидан ёд олган икки минг мисра, форс шеърятидан ёд олинган неча юз мисралар Кибрийе опа талқинида хар гал янги, дилбар кўшиқдай оҳанграбо янгради. Опа рубоий, шеър, газал хар бир хонадонга, хар бир кўнгилга одтубдай кириб борсин, дея орзу қиларди.

«...Кибрийе менга форс-тожик адабиётига дарча очиб берди...» деганида Абдулла Қаҳҳор умр йўлдошининг ана шу орзу-ниятлари йўлидаги хизматларини кўзда тутган бўлса ажаб эмас.

Ҳа, Кибрийеопанинг адиб ва адабиётимиз олдидаги хизматлари кўп. А. Қаҳҳор дунёдан ўтгандан бунгигача йиллар саккиз йил мобайнида опа умр йўлдоши ёди билан яшади. Унинг иқдосини тарғиб қилиш ҳаётининг мазмунига айланди. Адиб уй-музейи опанинг ташаббуси, қуон-чақлиги билан бунёд этилди. У ҳамма вақт умр йўлдошидан миннатдор бўлиб сўзларди. Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик»

тўрт жилди асарини русчадан ўзбекчага таржима қилиш бахтига Қаҳҳор туфайли эришганман, деганди. Қаҳҳордан нафақат ўзбек тилида сўзлашувни, балки ўзбек адабий тилини мукаммал ўрганиб олганди. Йўқса, яна қатор асарларни русчадан, тожикчадан ўзбекчага, ўзбекчадан рус ва тожик тилларига таржима қила олармиди?! У сўзларни тўғри талқин қилиш, ўз ўрнида ишлатиш ҳақида жон куйдириб гапирар, тилшунослик, адабиётшуносликка доир муаммолар мақолалар ёзар эдилар. Булар ҳамон қўлланма сифатида ўқиб келинаётди.

«Сиз маънавиятнинг фидойиси эдингиз, Кибрийе опа! Ўша машъум кундан йигирма кунча олдин сизни зиёрат қилгани бордик. Сиз ўз кўлларингиз билан ош далаб, бизни меҳмон қилдингиз. Ўша кунни ҳам одатдагидек газалхонлик бўлди. Ҳалима бошлади, Турсуноӣ давом эттирди. Навбат Ойдинойга, кейин Шарифахон ва Бахшандага кўчди... Сиз уларга меҳр тўла кўзларингизни тикиб, фахрланиб ўтирардингиз. Кейин бу ҳолат бизга ўтди. Газал ўқийтган сизга мафтун бўлиб узоқ ўтирдик... Биримиз боғчага, бошқамиз ўйга, ана кимдир ишига шошарди... Биз сизга, сиз бизга тўйиб-тўймай, хайр-қўшлашамиз... Сиз дарвозагача бизни кузатиб чиқиб, орқамиздан узоқ қараб қолдингиз... Бу келганларингиз ҳисоб эмас, бошқа келасизлар, деганингиз ҳамон қулоғимиз остида... Агар бу сиз билан сўнги учрашу-вимиз эканини билганимизда... Хом сўт эмган бандларимиз... Хар кун, хар сония га нимат. Ҳа, инсон инсонга га нимат...»

Табиат сизга катта истеъдод ато этган эди. Шу билан яна Қаҳҳордиқ зукко иходкор билан ҳамнафас яшашликни насиб этди. Сизнинг адибга бўлган меҳр-мухаббатингиз уни вояга етказган она-замин ва халқига, адабиётга бўлган ҳурмат билан чамбарчас боғлангиз кетди. Сиз чиндан ҳам чиройли умр кўрдингиз. Ҳаётингизнинг сўнги дақиқасидагача эришши нималигини билмадингиз. Наники, қалам-дафтар сизни тарқатмади. Сиз ўзбек адабиётига, маданиятига ва маънавиятига, энг муҳими одамларга жуда-жуда керак эдингиз... Сиз билан ўтган хар лаҳзаимиз қалбларимизда нури муҳр бўлиб қолади, устоз!

Дилбар МАҲМУДОВА.

# МАЙЛИМИ, МЕН СИЗНИ БОР ДЕСАМ...

БИР маҳсад жиловини астойдил тутмаган толиби касб ўз мақсадига асло эриша олмас... Таплаган йўлдан ҳеч қандай мушкулотлар қайтара олмайдисан инсонларни эса фидойилар деб атайдилар. Қалам аҳли орасида ҳам ана шундай фидойилар бор. Зеро, ижод этмоқ, ашъор-у, мақолат битмоқликнинг ўзи илоҳий бир инъом ва ҳидоятдир!

Зарифабону Эралиевани анча йиллардан бери биламиз. Унинг тасави шеърларини, мақолалари ва бошқа битикларини кўп ўқиганмиз. Мутлола қилиб, роҳат қилганмиз. Баъзилари қудирган, айримлари илғатган. Қалба туғён солмаган-ўйлатмаган, сўйлатмаган ижодий намуналарини камдан-кам эслаймиз. Кўз ўнгинида қамол топаётган, ёзганлари элга манзур бўлаётган, ижод довоининг чўққилари сари қадамба-қадам юксалиб бораётган ижодкорни кўриб, кишининг кўнгли тоғдай кўтарилар экан.

Муҳтарам муштарийлар! Қўйида Зарифабонунинг навбатдаги шеърлар туркумини эътиборингизга ҳавола этаётиримиз. Уларни ўқиб, мағзини қақиб, шеърятга ошффта бўлиб қолсангиз ажаб эмас...



**ЮПАНЧ**  
Аччиқ кулгуларинг жаранглаб кетди,  
Қўшиқиб куладим, бўлмасди кулб.  
Нам юқи юзингда иштироб ўти,  
«Севги йўқ экан-да...» дединг ўқиниб.

Сен хато сўзладинг, қизгина, ахир,  
Севги йўқ деганлар ёғон айтади.  
Ишониб яша сен, яшагин кутиб,  
Бир кунги у умид бўлиб қайтади...

**МУҲАББАТ**  
Муҳаббат...  
Бошимда бир осмон, тунд боқар,  
Булутлар айланар бетиним.  
Кор ётар, тош ётар, кўз ёш ётар —  
Ишқ фаслини гулбахор дейди ким?!

Муҳаббат,  
Кет, дедим, кетмасанг бўлмайди,  
Шу сиз ҳам бу юрак минг тилим.  
Бу йўл — жар! Дил — ўжар, қўлмайди —  
Қўнғили бекорор дейди ким?!

**БАХТДАН ҲОЛ КЎРДИЛАР...**  
Дедилар: «Ғам зоҳир юзингда,  
Эмолар кўп экан изингда,  
Ўзингдан ўзга йўқ кўзингда...»  
Майлими, мен Сизни бор десам,  
Оғир ботмайди ёр десам...

Дедилар: «Тушларинг узундир,  
Хушларинг тушингдай маҳзундир,  
Қулларинг бир қора афсундир...»  
Майлими, тунлар бир тўлгансам,  
Исмингизни айтиб уйғонсам...

Дедилар: «Тақдир бу — кўнарсан,  
Сабрини қосасида тўларсан,  
Дардини айтмасанг ўларсан...»  
Майлими, бир сирдай сирласам,  
Сизнинг қафтингизда тирилсам...

Майлими...

**ҚАЛДИРҒОЧ...**  
Қалдиришчим, нашлаб учинг, тин олай, тодидим,  
Оҳ, шу тобда парвозларга йўқдайин хушим.  
Мен бир тельба ҳайлағарга илашиб қолдим:  
Биз ҳам бир бор гуноҳ қилмасек не бўлар, қушим?!

Нашлаб учинг, ногоҳ ҳазин бир куй зинтидим,  
Бу не оҳанг, дуч келмасанг на ўнг, на тушим.  
Шу навога бир жонимни минг бор бахш этдим,  
Дил қўшаиб илғамоқни тилайдир, қушим.

Гарчи бизким, гурур юртии фуқаролари —  
Битта кўйга дин бермадик, тош мисола қотдик.  
Недан сўйлар қанотингиз оқ-қаролари,  
Қалдиришчим, осмонлардан биз нима топодик?!

Нашлаб қушим, ўт туташди қанотимизга,  
Хар ёш олаб, энди кўлаиб адо бўлармик.  
Гуноҳ бўлди: кўз ташладик ишқ маконига —  
Бир Сўз учун энди минг дил гадо бўлармик!

Нашлаб қушим, ўт туташди қанотимизга...

**ОТАМ АЙТГАН ЭДИ...**  
Шунақа,  
Бегонани кўрса қайтармас — қопмас,  
Эгаси чорласа сўйқалиб чопмас,  
Урсанг, остонангда узаиб ётмас,  
Бирров етакласанг келаверган ит...

Нафс қайғусидан зўр не қайғу бор,  
Қайда уеси хор, эгаси бедор,  
Ай-й, селдан бор-йўғи суяк умидвор,  
Бирров етакласанг келаверган ит!

Шунақа...

# \*СПОРТ\*СПОРТ\*СПОРТ\*СПОРТ\*

## БАЛПИ, «ДҮСТЛИК»!

Мамлакат 5-биринчилиги тузашига икки тур қолади. Соғирдорлар, омадсизлар эса ҳамон номатлум. Бу жумбуқ эртага ҳал бўлади, шекилли...

«ДҮСТЛИК» сафарда Муборакнинг «Машъал» жамоаси меҳмони бўлиб, муҳим галабани қўлга киритди ва ўз макенини, яъни тўртинчи ўрнини янада мустаҳкамлаб олди. Учрашув назорат ҳақими Шокир Исмоилов уйин тугаши биланқоқ. Ўзбекистон футбол федерациясига сиз қочиб, қисқача ахборот берди: 17-дақиқада Жаффар Ирисметов ҳисобни очди. 31-минутда Шухрат Асатов вазиятни тенглаштирди. 75-дақиқада эса Жаффар Ирисметов галаба тўпини киритди. Уйин мезбонларнинг қўполлиги билан ўтди... Майдон эгаларидан тўрт уйинчи оғолантирилди, 73-дақиқада Анвар Бердиев тўрт оғолантиришга тўғайли майдондан чиқариб юборилди.

Маазур турда «Дўстлик»нинг икки қарра омади келди. Турнир жадалидидаги ён қўшилари МХСК чемпионлига даъвогар «Навбахор» билан 2:2 ҳисобида дураң уйнаб, очко йўқотган бўлса, Бухоронинг «Нурафшон» ва Тошкентнинг «Пахтакор» жамоалари мағлубиятга учрадилар. «Нурафшон» футболчилари «Нефчи» клубидан ийрик 0:4 ҳисобида енгилишти. «Пахтакор» эса «Янгиер»га қарши бўлган уйини 0:1 ҳисобида бой берди.

Шу турнинг қолган учрашуваридида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» — (С) — АСК — 3:0, «Наврўз» — «Сўғдийна» — 1:0. Шу турдаги МХСК — «Навбахор»нинг узаро баҳси ниҳоятда шиддатли ўтди. Армиячилар 0:2 ҳисобида ютқазиб туриб, сўнги ўн беш дақиқада ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар. Эртага «Навбахор» барвақт чемпионлик унвонини қўлга киритиши мумкин. Бунинг учун наманганликлар ўз майдонларидида «Янгиер» устидан галаба қозонишлари даркор. Агарда... ютқазинса, олтинкумуш муаммоси 6 октябрь кўни бўладиган яқунловчи турда ҳал бўлади.

Мавсум тугашига икки тур қолди. Мутахассису мухлислар узларича соғирдорлару олий табақани тарқ этадиган жамоаларни таҳмин қилишмоқда. Гарнанд бу «благонлик» кўп ҳолларда панд берса-да, жадалга диққат билан қараб ва сўнги икки тур тақвимиини кузатиб, олтин «Навбахор»га, қумуш «Нефчи»га, бронза МХСКга теғса керак, деган хулоса чиқариш қийин эмас. 52 очко тўплаган «Дўстлик» тўртинчи ўрнида мустаҳкамлаиб олди. 47 очко тўплаган «Нурафшон» бешинчи ва 45 очкога эга бўлган «Пахтакор» олтинчи ўрнини эгаллаб турипти.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

28 октябрда «Дўстлик» уйинигоҳида майдон эгалари билан Тошкентнинг МХСК жамоаси ўртасида уйин бўлади. Сизларни ана шу учрашувга тақлиф қиламиз.

## «ХАДРА»ДА КУЧ СИНАШИДИ

«ПАХТАКОР», «Спартак», ФИСК жамиятлари ҳамда «Юнусобод», «Саломатлик», «Учқун» спорт клубларининг иктидорли қиллари ва ўсимирлари узларининг теннис бешлашуварини соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйига бағишладилар.

Усмилар ўртасида И. Тешабоев, қизлар баҳсида О. Тимофеева биринчи совринли ўринни эгаллашди.

Фоллибар Тошкент шаҳар «Камолот» жамгармасининг совринлари билан тақдирландилар.

## ЖАҲОНДА ИККИНЧИ

РУС шашкаси бўйича жаҳон биринчилигининг ҳал қилувчи уйинлари қадимий Самарқанд шаҳрида ўтказилди. Тошкентлик халқро гроссмейстер Николай Мишчанский финалда россиялик Гаврил Колесов билан учрашди. Шашкачимиз ён берган бўлса-да, жаҳонда ушбу спорт тури бўйича иккинчи мукофотли ўринга сазовор бўлишининг ўзи катта галабадир!

## «ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНТ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

2 — 11 ноябрь кунлари **БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!** мактаб ўқувчиларининг кузги таътил кунларида **КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ**

Цирк санъатининг барча жанрлари иштирокида икки бўлимдан иборат **КИЗИҚАРЛИ ТОМОШАЛАР**

Томошалар 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11 ноябрь кунлари соат 12 ва 15.00 да бошланади.

Чипталарни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олиш мумкин.

Касса соат 10 дан 18.00 гача ишлайди. **Маълумот учун телефонлар: 44-29-04, 44-35-91.**

Зангиота туманидаги «Қўйлик» агрофирмаси жамоаси агрофирманинг меҳнат ва уруш фахрийлари қанғашни раиси **Жалол ШОРАХМАТОВ**нинг

Бевақт вафот этганини муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чухур ҳамдардик билдиради.

**ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ** • **ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**

**Муассис:** **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир** **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

**Мазлими:** **700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.**

**Телефонлар:** **халлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48** **Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.**

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.